

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 06.01.2018. Tar. 56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**УСМОНОВ МУРТОЗ ШОДИЕВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҚЎНҒИРОТЛАРИ**

**(XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми, тарихий-этнологик таҳлил)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Усмонов Муртоз Шодиевич**

Жанубий Ўзбекистон кўнғиротлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми,  
тарихий-этнологик таҳлил).....3

**Усмонов Муртоз Шодиевич**

Кунграта Южного Узбекистана (конец XIX – первая половина XX в.  
историко-этнологический анализ) .....25

**Usmonov Murtoz Shodiyevich**

Kungrat people of Southern Uzbekistan (Historic-ethnological analysis of  
the late 19<sup>th</sup> - first half of the 20<sup>th</sup> century) .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications .....51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 06.01.2018. Tar. 56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**УСМОНОВ МУРТОЗ ШОДИЕВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҚЎНҒИРОТЛАРИ**

**(XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми, тарихий-этнологик таҳлил)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.2. PhD / Таг.65. рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бўриев Очил**

тарих фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Улуғбек Сайданович**

тарих фанлари доктори

**Турсунов Сайфулло Нарзуллаевич**

тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи DSc.06.01.2018. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. ЎзР ФА Тарих институти. 2-қават. Мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (+99871) 233-39-91; e-mail: [info@uzhistory.uz](mailto:info@uzhistory.uz) Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси, 13-уй.). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси билан).

**А. С. Сағдуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор, академик.

**М. Х. Пайзиева**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

**С. С. Агзамходжаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, т.ф.д.,  
профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Информацион-коммуникация ва глобал ўзгаришлар асри бўлган XXI асрда ҳар бир халқ ўзига хос маданий хусусиятлари ҳамда этномиллий ўзлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда.

Жаҳон миқёсида дунё халқлари ҳаётидаги барча жараёнлар эмас, балки этнос маданиятини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда энг муҳим этник маданиятларга эътибор қаратилмоқда ва бу йўналишдаги тадқиқотлар долзарб мавзулар тарзида эътироф этилмоқда.

XXI асрда Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида халқнинг миллий ўзлигини англашни ва маънавий тикланишини миллатлараро ҳамкорлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш йўлида ўстириш имконини берувчи миллий сиёсат аниқ асослаб берилди. Бу “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”<sup>1</sup> даги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган тамойилларда ўз аксини топди.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ўзига хос “этнографик макон” бўлиб, айнан бу ерда турли маданиятлар, хўжалик турмуш тарзлари, хилма-хил этнослар ва этнографик гуруҳларга хос миллий анъаналарнинг ўзаро уйғунлашуви, бошқача айтганда, этномаданий анъаналар симбиозини кўриш мумкин. Айнан мазкур уйғунлик шаклланишида ўзбек халқи таркибидаги йирик субэтнослардан бири – қўнғиротларга хос хусусиятлар бирмунча устувор аҳамият касб этади. Хусусан, ўзбек халқига хос халқона соддалик, меҳмондўстлик, жасурлик, бағрикенглик, сўз ва иш бирлиги, феъл-атворда аниқлик ва лўндалик каби ментал хусусиятлар билан бирга, жўшқин мусиқа ва рақсга бўлган қизиқиш минтақа қўнғиротларининг кундалик турмуш тарзи ҳамда маданиятига хос хусусиятлар бўлган. Қолаверса, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўзида мужассам қилиб келаётган маҳаллий дostonчилик мактаблари ва бахшичилик анъаналари билан бирга кўпқари, кураш каби халқ ўйинлари ҳам қўнғиротларда кенг тарқалган. Таъкидлаш жоизки, буларнинг барчаси қўнғиротлар ўзбек халқининг ажралмас қисми бўлиши билан бирга, умумўзбек маданиятида ўзига хос ўрнига ҳам эгалигидан далолат беради.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 ноябрдаги 222-сонли “2010–2020 йилларда номоддий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1- иловасида келтирилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. <http://strategy.regulation.gov.uz>.

тўғрисида”<sup>2</sup>ги, 2011 йил 23 майдаги 47-сонли “Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”<sup>3</sup>ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Мавзуни тадқиқ қилиш ўзбек халқига хос этномаданий хусусиятлари, урф-одат ва маросимларнинг тарихий асослари, ривожланиш босқичлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар таъсирида трансформациялашувини тўлақонли англаган ҳолда таҳлил этиш имконини беради. Энг муҳими, ўзбек халқи этнологиясини фактик материаллар билан бойитади ва фандаги маълум бўшлиқни тўлдиради.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-маърифий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқотда тизимли йўналишни амалга ошириш асосида ўрганилаётган мавзу тарихшунослиги, унинг методологик ва ғоявий умумийлигидан келиб чиққан ҳолда, Жанубий Ўзбекистонда яшовчи кўнғиротлар этнографиясини комплекс тарзда ёритишда этнографик, манбашунослик, антропологик, тилшунослик, фольклоршуносликка оид тадқиқотларни тарихшунослик нуқтаи назаридан тўрт гуруҳга: XIX аср охири – XX аср бошларига оид адабиётлар, совет даври тадқиқотлари, мустақиллик йилларида чоп этилган ишлар ҳамда хорижий нашрларга бўлиб таҳлил қилинди\*.

XIX аср охири – XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистон этнографиясига бағишлаб Н. А. Маев, Д. Н. Логофет, Н. Ф. Ситняковский, И. П. Магидовичлар томонидан дастлабки илмий тадқиқотлар бажарилган бўлса советлар даврида этнографлар Б. Х. Кармишева, К. Шониёзов, Қ. Кубаков, К. Л. Задихина, О. Ибрагимовлар билан бирга тилшунос Х. Дониёров ва топонимшунос Т. Нафасовлар томонидан диққатга сазовор мулоҳазалар билдирилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мазкур муаммо доирасида А. Р. Қаюмов, Н. Норбоев, К. Бердиқулов, И. Умаров, О. Бўриев, А. Маликов, С. Турсунов, Н. Турсуновларнинг тадқиқотлари эълон қилинган.

Тадқиқотнинг ўрганилиш даражасини илмий таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатдики, мавжуд манба ва адабиётлар муаллифлари кўнғиротлар этник тарихи ҳақида этнографик маълумотлар берган бўлса-да, лекин мазкур нашрлар асосан Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида яшовчи кўнғиротлар ўрганилган ёки ўзбек халқи моддий маданияти (анъанавий тураржойлар, кийимлар ва таомлар)га бағишланган тадқиқотларда кўнғиротлар этнографиясининг айрим қирралари ҳақида маълумотлар берилган. Чунончи, бу борада айнан Жанубий

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 сентябрдаги “2010–2020 йилларда номоддий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222- сонли қарори / [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 майдаги “Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 47- сонли Қарори / [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

\* Манба ва адабиётлар таҳлили тадқиқотнинг 1- боби 1- параграфида тўлиқ баён этилган.

Ўзбекистонда яшовчи қўнғиротлар тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Тарих институти илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда ФА-Ф1-ГО12 “Ўзбекларнинг этник идентиклиги: шаклланиши, хусусиятлари ва трансформацияси” (2007–2011) ва ФА-А1-ГО25 – “Замонавий ўзбеклар: тарихий-этнологик тадқиқот” (2015–2017) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида яшовчи қўнғиротларнинг моддий ва номоддий маданияти, этник идентиклигидаги трансформацион жараёнларни этнологик аспектда очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тарихий-этнографик адабиётлар асосида қўнғиротларнинг этник таркиби, уларнинг турли табиий-этнографик минтақаларда жойлашув хусусиятларини аниқлаштириш. Шунингдек, қўнғиротларнинг этник идентиклиги, уларнинг генеалогияси ҳамда ўзбек халқи этник тарихида тутган ўрни масалаларини этнографик материаллар асосида тадқиқ қилиш;

XX асрнинг биринчи ярмида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва маданий ўзгаришлар таъсирида қўнғиротларнинг этник идентиклигидаги трансформацион жараёнларни дала этнографик материаллари ва тарихий этнографик адабиётлар ҳамда этносociологик тадқиқотлар асосида таҳлил қилиш;

Жанубий Ўзбекистон қўнғиротларининг этноҳўжалик хусусиятлари ва уларнинг минтақада кечган этномаданий жараёнлардаги иштирокини тадқиқ қилиш. Шунингдек, қўнғиротларга хос деҳқончилик ва уй ҳунармандчилигидаги этник хусусиятлар ва иноэтник таъсирларни аниқлаштириш;

қўнғиротлар моддий маданияти (тураржойлар, миллий кийимлар, таомлар)да этник ва локал хусусиятлар ҳамда уларнинг трансформациясини этнографик материаллар асосида ёритиб бериш;

XX асрнинг биринчи ярмида қўнғиротларнинг маънавий маданиятидаги ўзига хослик ва умумийликни ҳамда асрлар давомида шаклланган турли анъаналар, маросимлар ва урф-одатларнинг ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятли бўлган жиҳатларини кўрсатиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** тарихий адабиётлар ва дала этнографик материаллари асосида XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида яшаган қўнғиротлар этнографиясини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида яшовчи қўнғиротлар турмуш тарзи, ҳўжалик ҳаёти, маданияти, анъана ва маросимлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифий ва қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, суҳбат, анкета сўровнома, кузатиш каби этнология фанининг тадқиқот усулларида кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида яшаган қўнғиротлар шажара (генеалогия)си тузилган ва у ички кичик бўлимлар (*тира, тўпор, тўп, ота, даҳа*)дан ташкил топганлиги аниқланган;

қўнғиротларнинг минтақага жойлашуви сўнгги ўрта асрларда этномаданий алоқалар ва хўжалик ҳаёти билан боғлиқ тарзда юз берганлиги ҳамда иқтисодий, маданий жараёнлар таъсирида ўтроқ турмуш тарзига интенсив тарзда ўтиб, хўжалик юритиш маданияти трансформацияга учраганлиги этнологик материаллар асосида далилланган;

қўнғиротлар анъанавий хўжалик машғулоти (чорвачилик ва деҳқончилик)-даги этнолокал кўринишлар ҳамда уй хунармандчилиги (ярим натурал)даги этник хусусиятлар ва иноэтник таъсирлар очиб берилган.

Сурхондарё-Қашқадарё дostonчилик мактаби (ёпиқ овозда, дўмбира чолғуси жўрлигида куйлаш) ва бахшичилик анъаналари жаҳон номоддий маданий меросининг дурдонаси эканлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудида яшовчи турли субэтнослар ва халқлар этнографиясига доир этник атласни яратишда асос бўладиган этнографик материаллар аниқланган;

Қўнғиротларнинг анъанавий турмуш тарзи, моддий ва номоддий маданияти ҳамда этномиллий ўзликни англаш билан боғлиқ этнографик материаллар кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда замонавий этнология фанида тан олинган ёндашув ва усулларни қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий-этнографик адабиётлардан фойдаланилганлиги, бирламчи этнографик манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари ва хулосалари ўзбек халқининг этник тарихи муаммоси борасида этниклик, этномаданий идентиклик каби илмий муаммоларга янада ойдинлик киритиш, ушбу масалага доир илмий хулосаларни амалиётга жорий этиш билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида “Қашқадарё ва Сурхондарё этнографик макон” рукнида этнотуризмни ривожлаштириш, этнопарклар ташкил этиш ҳамда мазкур йўналишда йўл хариталари ишлаб чиқишда илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида жанубий Ўзбекистон қўнғиротлар этнографиясини тарихий-этнологик аспектда ўрганиш натижалари асосида:

Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида яшовчи қўнғиротлар этнографияси, хўжалиги, анъанавий турмуш тарзи, номоддий ва моддий маданиятига бағишланган илмий хулосалардан Тарих институтида 2015–2017 йилларда бажарилган ФА-А1-ГО25ПВ-2014-0911000555 рақамли “Ўзбеклар: этник тарих,

маданият ва анъаналар” номли лойиҳада “XIX аср охири XX аср бошларида ўзбеклар: этник ва маданий жараёнлар” ва “Ўзбекларнинг хўжалик-иқтисодий ҳаётида чорвачилик” бўлимларини ёзишда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 4 июндаги 3/1355-1578 -сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши анъанавий хўжалик машғулоти (чорвачилик ва деҳқончилик)даги этнолокал кўринишлар ҳамда уй хунармандчилиги (ярим натурал)даги этник хусусиятлари ва иноэтник таъсирлари натижасида хўжалик анъаналарининг минтақавий кўринишларини очиб беришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010–2020 йилларда номоддий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги маданий-маърифий муассасалар ва номоддий маданий меросни ривожлантириш шўъбасида ўзбек халқининг бой миллий анъаналари, номоддий маданий мероси, миллий ўзликни англаш жараёнида этносларнинг тутган ўрнига доир услубий кўрсатмалар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 9 мартдаги 02/09-338-18-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланиши Ўзбекистоннинг моддий ва номоддий маданий меросини кенг тарғиб қилиш ҳамда мамлакатимизнинг жанубий минтақаларида этнотуризмни ривожлантириш имконини берган.

Республика маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда мазкур Марказнинг 2018 йилги режаси 7-банди “Миллий қадриятларимизни тиклаш, барҳаёт урф-одатларимизга беписандлик иллатларига барҳам бериш мақсадида “Тарих ва замон”, “Анъана – қадрият – урф-одат” тамойили асосида урф-одат ва анъаналаримизнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш”да фойдаланилди (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 1 мартдаги 02/09-338-18-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди этник манзараси, турли тарихий даврларда кечган этномаданий жараёнлар ва миллий қадриятлар тарихига оид илмий билимларни бойитишга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та (8 та республика ва 2 та хорижий журналларда) мақола, 14 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар тезисларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Қўнғиротлар муаммоси тарихшунослиги ва этник тарихни ўрганиш методологияси”** деб номланиб, унинг биринчи параграфи “Тарихий манба ва адабиётларда қўнғиротлар этник тарихини ёритилиши”га бағишланган.

Қўнғиротлар тарихига оид манбалардан бири 1240 йилда мўғулларнинг улуғ ҳокони Ўғодой буйруғига кўра ёзилган “Мўғулларнинг яширин тарихи”<sup>4</sup> асари бўлиб, унда қўнғиротларнинг тарихий ватани ва уларнинг Чингизхон қўшини таркибидаги иштироки борасида қимматли маълумотлар берилган. Манбада Чингизхон қўшинида Бортэ-уджин (Чингизхоннинг биринчи хотини)нинг қариндошларидан ташкил топган 3 минг нафар лашкарли махсус қўнғиротлар бўлимини Олчи нойон бошқарганлиги таъкидланади<sup>5</sup>.

Бу борадаги манбалардан яна бири 1247–1318 йилларда яшаган машҳур муаррих Рашидуддин Фазлуллоҳ ибн Имодуддавла Абулхайр ал-Ҳамадонийнинг “Жомеъ ут-таворих” (“Тарихлар мажмуаси”) асаридир<sup>6</sup>. Рашидуддиннинг фикрича, қўнғиротлар дастлаб Хитой билан Мўғулистон чегараларида қурилган “Янги ҳаёт девори”га туташган жойларда яшаганлар<sup>7</sup>. Муаррихнинг мазкур асари аксарият олимлар томонидан келиб чиқиши мўғуллар билан боғлаб келинган кўплаб уруғларнинг, чунончи қўнғиротларнинг туркий эканлигини исботлашда ўзига хос калит бўлиб хизмат қилади.

Тилшунос Х. Дониёровнинг таъкидлашича, нафақат қўнғиротлар, балки ўзбек халқи таркибидаги барлос, жалойир, кенагас, қиён, нирун, сулдуз, қиёт каби уруғлар этник тарихи шу каби чигаллашиб кетган эдики, агар Рашидуддиннинг шу китоби сақланиб қолмаганида, уларнинг этногенезини аниқлаштириш жуда мураккаб масала бўлган бўлар эди. Чунки, бу уруғнинг айрим вакиллари тюрк, Ғарб ва Шарқ олимларигача уларни мўғуллардан келиб чиққан, деб ҳисоблаганлар<sup>8</sup>.

Қўнғиротларнинг минтақадаги этносиёсий жараёнларда ўзига хос роли бўлган. Чунончи, Шарафуддин Али Яздийнинг 1425 йилда ёзган “Зафарнома” асарида қайд этилишича, Амир Темур ҳам дастлаб қўнғирот сулоласи билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилган<sup>9</sup>.

<sup>4</sup> Сокровенное сказание монголов / Перевод С. А. Козина. – Улан-Удэ, 1990; Рассадин В. И. Тюркские элементы в языке “Сокровенного сказания монголов” // “Тайная история монголов”: источниковедение, филология, история. – Новосибирск, 1995. – С. 122–145; Mongolica: К 750-летию «Сокровенного сказания». – М., 1993.

<sup>5</sup> Mongolica: К 750-летию «Сокровенного сказания»... – С. 212.

<sup>6</sup> Рашид ад-дин. Сборник летописей. Том 1. Книга 1. – М.–Л.: АН СССР, 1952.

<sup>7</sup> Ўша жойда... – Б. 161.

<sup>8</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент, 1968. – Б. 18.

<sup>9</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад, Х. Бобобеков. – Тошкент, 1997, – Б. 75.

Чингизхоннинг ота томонидан бўлган бувисининг онаси Кувоқароқ кўнғиротлардан бўлганлиги ҳақида буюк давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг (1394–1449) “Тўрт улус тарихи” асарида қайд этилган<sup>10</sup>.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий (1441–1501) ўз шеърларида бошқа бир қатор туркий қабилалар билан бирга кўнғиротларни ҳам тилга олган<sup>11</sup>. Ўтмишда ўзбек уруғларининг ҳар бири ўзига хос жиҳатларидан ташқари, хон ва подшоҳлар олдидаги мавқеи, нуфузи, обрў-эътибори билан ҳам фарқлангани шоир байтларида тасвирланади.

Кўнғиротларнинг XV–XVII асрлардаги этник тарихига оид манбалар ҳақида сўз юритганда Муҳаммад Солиҳнинг (тахм. 1455–1535) “Шайбонийнома”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг (1549–1589) “Шарафномаи шоҳий”, Маҳмуд ибн Валининг (туғ. 1596) “Баҳр ал-асрор фи манокиб ул-аҳёр” (“Олижаноб кишиларнинг жасорати ҳақида сирлар денгизи”) (1634–1640), Абулғозининг (1603–1664) “Шажарайи турк ва мўғул”, “Шажарайи тарокима”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг (туғ. 1645) “Убайдуллонома”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” (1697–1704), Абдурахмон Давлат Толеънинг (XVIII аср 1-ярми) “Тарихи Абулфайзхон”, Мирзо Абдуазим Сомий Бўстонийнинг (1838/39–1914) “Тарихи салотини Манғития” (“Манғит ҳукмдорларининг тарихи”) каби асарлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, айнан ўрта аср муаллифлари томонидан ёзилган кўплаб манбаларда кўнғиротларнинг нафақат этник тарихи ва минтақада жойлашув хусусиятлари, балки уларнинг генеалогияси ҳамда уруғ-қабилавий тузилишига оид қатор қизиқарли ва ўз навбатида муҳим илмий аҳамиятга молик маълумотлар берилган. Айнан мазкур маълумотларни этнографик материалларга қиёслаш орқали биз минтақада яшовчи кўнғиротларнинг генеалогиясига оид кўплаб янги маълумотларга эга бўлдик.

XIX асрда Россия империяси офицери ва кейинчалик “Туркестанские ведомости” газетасининг муҳаррири бўлган Н. А. Маев (1835–1896) Шаҳрисабзда (1874–1875) ва Ҳисорда (1878) ўтказган экспедицияси жараёнида минтақада яшовчи *дўрмон*, *қатагон*, *юз*, *марқа*, *лақай* уруғлари билан бирга *кўнғиротларнинг* ҳам этник таркиби ҳамда воҳа бўйлаб жойлашишининг ўзига хос хусусиятлари, уруғ-қабилавий тартиботи ҳақида этнографик маълумотлар тўплаб нашр қилган<sup>12</sup>.

Бухоро амирлигини ҳарбий мақсадларда ўрганган Д. Н. Логофет амирлик ҳудудига кирувчи Сурхон воҳасида яшаган ўзбек уруғлари ва уларнинг генеалогияси, хусусан, воҳада истиқомат қиладиган *кўнғирот*, *қатагон*, *юз*, *дўрмон*, *турк* каби уруғлар ҳақида қизиқарли маълумотларни келтирган<sup>13</sup>.

Жанубий Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудлари аҳолисининг этногенези ва этник тарихи масалалари юзасидан 1945 йилдан этнографик тадқиқотлар олиб борган элшунос олима Б. Х. Кармишева тадқиқотларида мазкур минтақа аҳо-

<sup>10</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент, 1994. – Б. 78.

<sup>11</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. – Тошкент, 1998. – Б. 57.

<sup>12</sup> Маев Н. А. Очерки Бухарского ханства. – Ташкент, 1875; Ўша муаллиф: Очерки горных бекств Бухарского ханства // МСТК. Вып V. – Спб., 1879; Ўша муаллиф. Очерки Гиссарского края // МСТК. Вып V. – Спб., 1879.

<sup>13</sup> Логофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. I. – Спб., 1911. – С. 91–105.

лиси шаклланишида ҳамда этник тарихида муҳим ўрин тутган қўнғиротларнинг шажараси, уларнинг этник тарихи, минтақа бўйлаб жойлашуви ҳамда этнографияси борасида қўплаб янги маълумотлар берилган<sup>14</sup>.

XX асрнинг 60–70-йилларида элшунослар К. Шониёзов ва Қ. Кубаковларнинг тадқиқотларида ҳам қўнғиротлар этнографиясини қиёсий ўрганишга доир маълумотлар берилган<sup>15</sup>. Шунингдек, тилшунос Х. Дониёров ва номшунос Т. Нафасов ишларида ҳам қўнғиротлар топонимига оид қатор маълумотлар қайд қилинган<sup>16</sup>.

Умуман олганда, мазкур даврда эълон қилинган ишларда, гарчи жанубий Ўзбекистон аҳолисининг этник тарихига алоқадор қизиқарли ва ўз навбатида муҳим маълумотлар келтирилган бўлсада, уларда минтақада яшовчи қўнғиротларнинг этник тарихи ва уларнинг минтақа бўйлаб жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари комплекс тарзда ёритилмаган.

Истиқлол йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи бўйича академиклар К. Шониёзов ва А. Асқаровлар томонидан қатор илмий тадқиқотлар яратилди<sup>17</sup>. Муаллифлар ўз тадқиқотларида етарли даражада ишланмаган этногенез ва этник жараёнлар, шунингдек, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни муаммосини илмий равишда ёритиш жараёнида ўз асарларида қўнғиротлар этнографиясига оид баъзи маълумотларни ҳам келтиришган.

Шунингдек, айнан мустақиллик йилларида Н. Норбоев, К. Бердиқулов, И. Умаров, О. Бўриев, А. Маликов, А. Қаюмов, С. Турсунов, Н. Турсунов, А. Қурбонов каби муаллифларнинг ишларида ҳам қўнғиротлар этнографиясининг у ёки бу жиҳатлари баён этилган<sup>18</sup>.

Сурхон-Шеробод воҳасидаги этник ҳолатни махсус тадқиқ қилган тадқиқотчи А. Р. Қаюмов тадқиқотларида воҳа ҳудудида яшовчи қатор субэтнослар билан бирга қўнғиротларнинг этник хусусиятлари ҳам ёритиб берилган<sup>19</sup>. Шунингдек, қўнғиротлар билан боғлиқ турли уруғ шохобча (геноним)ларнинг

<sup>14</sup> Қаранг: Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана – М.: Наука, 1976. – С. 323.

<sup>15</sup> Шаниязов К. Ш. Узбеки-карлуки: Историко-этнографический очерк. – Ташкент, 1964; Ўша муаллиф. К этнической истории узбекского народа (историко-этнографические исследования на материалах кипчакского компонента). – Ташкент, 1974; Ўша муаллиф. Қанг давлати ва қанғиллар. – Тошкент, 1990; Кубаков К. О некоторых родоплеменных группах узбеков верхней Кашкадарьи (вторая половина XIX – начало XX вв) // Этнографическое изучение культуры и быта узбекского народа. – Ташкент, 1972. – С. 13–16.

<sup>16</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент, 1968; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1968; Ўша муаллиф. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 1988; Ўша муаллиф. Ўзбек номномаси. – Қарши: Насаф, 1993.

<sup>17</sup> Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг айрим масалалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар (Кейинги ўринларда ЎИФ). – 1996. – №6. – Б. 79–87; Ўша муаллиф. Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари // ЎИФ. – 1998. – №6. – Б. 31–44; Ўша муаллиф. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – 340; Ўша муаллиф. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 487–490, 501–502.

<sup>18</sup> Муаллифлар асарлари рўйхати библиографияда келтирилган.

<sup>19</sup> Қаюмов А. Р. Шеробод воҳаси аҳолиси (XIX–XX аср бошлари) // ЎИФ. – 1998. – №3. – Б. 34–39; Ўша муаллиф. Ўзбекистон этномаданий муҳитида “катагон” этноси // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва назарий-методологик ёндашувлар. – Тошкент, 2004. – Б. 115–119; Ўша муаллиф. XIX–XX аср бошларида этник жараёнларнинг баъзи хусусиятлари (Ўзбек халқи этник тарихига оид мулоҳазалар) // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1-қисм. – Тошкент, 2005. – Б. 44–52; Ўша муаллиф. Этническая ситуация на территории Южного Узбекистана в XIX – начале XX века (по материалам Сурхан-Шерабадской долины): Автореф. дис. ... канд. ист. наук – Ташкент, 2011.

номланиши ва уларнинг этнолингвистик таҳлили Т. Нафасов асарида келтирилган<sup>20</sup>.

С. Давлатова Жанубий Ўзбекистон минтақасига хос анъанавий кийимлар ва уларнинг трансформациясини, М. Ҳамидова эса Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихини ёритган<sup>21</sup>. Санъатшунослар Э. Гюль ва З. Носировалар томонидан эса қўнғирот гиламлари борасида қатор диққатга сазовор мулоҳазалар билдирилган<sup>22</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида яшовчи қўнғиротлар этнографиясини тадқиқ қилиш борасида ҳам айрим амалий ишлар бажарилган. Чунончи, бу борада А. Маликов томонидан Зарафшон водийсида яшовчи қўнғиротлар этнографияси ва минтақада содир бўлган этномаданий жараёнларда қўнғиротларнинг иштироки каби муҳим муаммолар махсус тадқиқот объекти тарзида теран тадқиқ қилинган<sup>23</sup>. Айнан мазкур тадқиқотлар замонавий назарий-методолик қарашлар ва концепциялар асосида ёритилган бўлиб, бизнинг тадқиқотимиз учун муҳим илмий-методологик асос ва қиёсий материал бўлиб хизмат қилди.

Хуллас, мустақиллик даврида бажарилган тадқиқотлар тарихшунослигига хулоса қилиб айтадиган бўлсак, истиқлол йилларида миллий кадриятларга бўлган қизиқишнинг ва ўзликни англаш ҳиссининг ортиши туфайли мамлакатимизда яшовчи турли субэтнослар ҳамда ўзбек халқининг этномиллий анъаналари тарихига оид кўплаб тадқиқотлар бажарилди. Мазкур тадқиқотларда қўнғиротлар этнографиясининг айрим жиҳатларига эътибор қаратилган бўлса-да, уларда қўнғиротлар тарихи ва этнографияси комплекс тарзда диссертация шаклида махсус ўрганилмаган.

Хорижий тадқиқотлар шарҳи баёнида шуни ҳам қайд этиш жоизки, сўнгги ўн йилликларда машҳур антропологлар Дж. Шойберайн, Адиб Халид ва П. Финкеларнинг ўзбек идентиклигига оид тадқиқотлари ҳам эълон қилинди<sup>24</sup>.

Хуллас, тадқиқотнинг ўрганилиш даражасини илмий таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатдики, мавжуд манба ва адабиётлар муаллифлари қўнғиротлар этник тарихи ҳақида баъзи этнографик маълумотларни берган бўлсалар-да, ле-

<sup>20</sup> Нафасов Т. Этномаданий жараёнларда этнонимларнинг ўрни // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида этнологларнинг V республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.87–91.

<sup>21</sup> Давлатова С. Ўзбек миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006; Ҳамидова М. Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихи (XIX–XX аср бошлари). – Тошкент: Миллий кутубхона, 2009.

<sup>22</sup> Гюль Э. Ковроткачество Байсуна // История и традиционная культура Байсуна. Труды Байсунской научной экспедиции. Выпуск 2. – Ташкент, 2005. – С. 272–279; Ўша муаллиф. Қўнғирот гиламлари // Мозийдан садо. – 2004. – №1. – Б. 8-10; Носирова З. Бойсун нақшларида баҳор ифори // Мозийдан садо. – 2008. – №1. – Б. 7.

<sup>23</sup> Маликов А. М. Узбеки группы кунграт долины Зерафшана в XIX – начале XX в. – Самарканд, 2007. – С. 124; Ўша муаллиф. Этническая классификация тюркоязычного населения долины Среднего Зерафшана в официальных дискурсах (вторая половина XIX – начало XX вв) // Эволюция института власти в древней, средневековой и новой истории Казахстана и сопредельных государств. Материалы международной научно-теоретической конференции. – Алматы, 2016. – С. 217–227.

<sup>24</sup> Schoeberlein-Engel J. The prospects for Uzbek national identity Washington D.C.: National Council for Soviet and East European Research, 1997; Adeeb Khalid. Nationalizing the revolution in Central Asia: The transformation of Jadidism, 1917–1920 in A state of nations: empire and nation-making in the age of Lenin and Stalin. Edited by Ronald Grigor Suny, Terry Martin. New York: Oxford university press, 2001. Finke P. Variations on Uzbek Identity. Strategic Choices, Cognitive Schemas and Political Constraints in Identification Processes. – New York, Oxford, Bergahn, 2014.

кин кўплаб ишларда улар ўзларининг тадқиқотлари юзасидангина мулоҳазалар билдирганлар. Айнан мазкур нашрларда Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида, хусусан, Зарафшон водийси ва Оролбўйида яшовчи қўнғиротлар ўрганилган ёки ўзбек халқи моддий маданияти (анъанавий тураржойлар, кийимлар ва таомлар)ни махсус ўрганган муаллифлар ишларида қўнғиротлар этнографиясининг айрим қирралари борасида маълумотлар берилган. Чунончи, бу борада айнан Жанубий Ўзбекистонда яшовчи қўнғиротлар тадқиқот объекти тарзида илмий ўрганилмаган. Шу жиҳатдан биз танлаган мавзу дастлабки диссертацион тадқиқот ҳисобланади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи “*Этник тарих муаммоси: назарий-методологик қарашлар ва қўнғиротлар этник тарихининг айрим назарий масалалари*” деб номланган бўлиб, унда қўнғиротларнинг этник тарихи муаммоси, бу борадаги назарий-методологик қарашлар ва илмий фаразлар батафсил таҳлил қилинган.

Тарихий-этнографик адабиётлардан маълумки, уруғчилик тузилиши турли хил поғонали бўлган. Жумладан, уруғ, уруғ бўлимлари ёки уруғдошлик (*авлод, уруғ, жинс, отадош, пушт, аймоқ, жигардош*), қабила, қабила бирлиги, мавжуд бўлган.

Уруғ бўлимлари ўзларини бир мустақил авлод – *пушт, насл, бир отадан* туғилган деб юритадилар ҳамда битта уруққа боғлайдилар<sup>25</sup>.

Қўнғиротлар уруғдошлик муносабатларини изоҳлашда, асосан, уруғ ва ота ибораларини қўллаганлар. Чунончи, бу борада Жанубий Ўзбекистон қўнғиротлари ўз уруғлари генеалогиясини баён қилишда *ота* ёки *тўп* иборасини, *12 ота айли, 6 тўп тортувли* тарзида қўллаганлар. Улар шох (тармоқ) сўзини камданкам ҳолатлардагина қўллаганлар.

Жанубий Ўзбекистондаги қабилавий тузилма концентрик, яъни битта умумий марказга эга бўлган халқа, доира кўринишида тасаввур қилинган. Қабилалар бир нечта гуруҳларга, улар эса, ўз навбатида кичик-кичик бўғинларга бўлинган. Бирлашган қабилалардан конфедерациялар (қабилалар иттифоқи) ташкил топган. Уруғ ва қабилаларнинг юқори даражадаги бирлашувида аксарият ҳолатларда уларнинг сиёсий келиб чиқиши борасидаги муносабатлар сақланиб қолади.

Хуллас, қўнғиротлар тарихшунослиги ва этник тарихи билан боғлиқ айрим назарий-методологик қарашлар таҳлили натижасида шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирга қадар қўнғирот субэтноси билан боғлиқ қарашлар ўз ечимини тўла топган муаммо деб бўлмайди. Қўнғиротларнинг этник тарихи, этник таркиби ва уларнинг турли минтақаларда жойлашувига оид бўлган тадқиқотлар эълон қилинганлигига қарамай, бу субэтноснинг Жанубий Ўзбекистон худудида жойлашуви, турли тарихий даврларда юз берган этномаданий жараёнлардаги иштироки ва энг муҳими, уларнинг этномаданий идентиклигини ўзгариши муаммоси комплекс тарзда ўрганилмаган. Қолаверса, этнологияда ҳозирги кунга келиб этнос ва этниклик муаммоси доирасида мукамал концепция мавжуд эмас. Бизнингча, яқин келажакда этникликка оид тадқиқотлар янада

<sup>25</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Оқработ ва Шамоликан қишлоқлари. 2008 йил.

бахсли тарзда давом этади ва ҳозирги мавжуд қарашлар асосида янги назариялар яратилади.

**"Қўнғиротларининг этник тарихи"** деб номланган иккинчи бобнинг биринчи параграфида *"Қўнғиротлар генеалогияси муаммоси"*, яъни ярим ўтроқ турмуш тарзини узоқ вақт сақлаб қолган ва ўзбеклар таркибидаги қипчоқ компонентли субэтник гуруҳлардан бири бўлган қўнғиротлар генеалогияси, унинг ўзига хослиги, ирқий тузилишида монголоид белгиларнинг анча сезиларли эканлиги, тилида "ж"ловчи («жўқчи»)лар шеваси кучлилиги ва ўз номини «ўзбек» деб номлашига доир масалалар таҳлил қилинган.

Тарихдан маълумки, қўнғиротларнинг генеалогияси муаммосини кўплаб тадқиқотчилар ечишга ҳаракат қилганлар<sup>26</sup>. Шунга қарамай, мазкур муаммо ҳозирга қадар ўз ечимини топмаган. Чунончи, қозоқ диалектолог А. С. Омонжўлов қўнғиротларни туб туркий уруғлардан деб ҳисоблайди<sup>27</sup>. Этнограф олима Б. Х. Кармишева фикрича, қўнғиротлар XVI аср бошларида Мовароуннаҳрга келишидан олдин тил, маданий ва этник таркиби жиҳатидан туркийлашган<sup>28</sup>.

И. П. Магидович ўзбек ва қозоқ қўнғиротларининг уруғ номларини таққослаб ўрганган. Унинг фикрича, хоразмлик ўзбеклар қадимдан шу ерда яшаб келаётган қўнғиротлардир, қозоқ қўнғиротлари эса кейинроқ шаклланган. Шайбонийхон истилосида қозоқ қўнғиротлари эмас, балки айни шу хоразмлик қўнғиротлар иттифоқи иштирок этган.

Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудидаги қўнғиротларнинг хоразмлик уруғдошлари орасида ўхшаш 13 та уруғ номлари, қорақалпоқлар билан мувофиқ келадиганлари эса 32 тадир. Шунингдек, қўнғиротларнинг иккита йирик уруғи таркибида "қорақалпоқ" номли гуруҳ ҳам мавжуд.

XVI аср бошларида Мовароуннаҳрга кўчиб келиб жойлашган уруғлар аллақачон тил, маданият ва этник таркиби жиҳатидан туркийлашиб кетган эдилар. Бу шунинг билан изоҳланадики, дастлабки мўғул ўзаги атрофига кўплаб туркий қабилалар тармоқлари ва шохобчалари бирлашган. Кейинчалик эса улардан фақатгина мўғул номигина қолган, холос.

Тадқиқотнинг иккинчи боби иккинчи параграфида *"Ўзбек халқи этник тарихида қўнғиротлар"*нинг иштироки масалалари кўриб чиқилган.

XV аср охири – XVI асрда Мовароуннаҳр ва Хоразмга *манғит, қўнғирот, найман, уйғур, сарой, қатагон, қушчи, дўрмон, кенагас, қирқ, юз, минг, баҳрин* каби Дашти Қипчоқ этник гуруҳларининг миграцияси кучайган.

XIV–XV асрлар давомида эса қўнғиротларнинг айрим гуруҳлари Шеробод, Ҳисор, Хуросон ва Шимолий Афғонистонга кўчишган. Чунончи, Шимолий Афғонистоннинг Бағлон, Балх, Қундуз, Таҳор, Шибирғон, Маймана ва Ҳелмен вилоятларида қўнғирот уруғи вакиллари яшайди. Балх вилоятида

<sup>26</sup> Ситняковский Н. Ф. К генеалогической таблице узбеков рода Кунград // ИТОРГО. – 1907. Т. 7; Потапов Л. П. Материалы по семейно-родовому строю у узбеков «Кунград» // Научная мысль. – Ташкент-Самарканд, 1930. – №1. – С. 37–57; Potapovs L. P. Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbekien aus den Jahren 1928–1930. Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube Harrassowitz Verlag. – Wiesbaden, 1995. – 244р. Маликов А. М. Узбеки группы кунград долины Зерафшана в XIX – начало XX в. – Самарканд, 2007.

<sup>27</sup> Омонжолов А. С. Вопросы диалектологии и истории казахского языка. – Алма-Ата, 1959. – С. 9, 14, 16.

<sup>28</sup> Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 211.

қўнғиротларнинг кўртоғай, қолдавли, молтака, желкиллак, доска, гала, тўпқара, қорбура каби шохобчалари истиқомат қилган<sup>29</sup>.

XVI аср бошларида қўнғиротларнинг янги гуруҳи Мовароуннаҳрга кўчиб келиб, унинг деярли барча худудларига тарқалган. Шу жумладан, Афғонистоннинг шимолий худудига ҳам ўрнашган.

Қўнғиротлар бир вақтнинг ўзида Мовароуннаҳрда, Хоразм ва Дашти Қипчоқда истиқомат қилган. Тадқиқотчи А. Маликов фикрича, қўнғиротларнинг маълум бир гуруҳи Шайбонийхон қўшинлари билан бирга келган бўлса-да, уларнинг бир қисми бу худудда бундан аввал ҳам яшаган<sup>30</sup>.

Н. Ф. Ситняковскийнинг ёзишича, бухоролик қўнғиротлар, ўзларининг асли келиб чиқишини Хивадан деб ҳисоблайдилар. Хива хонлиги худудида қўнғиротларнинг асосий қисми яшаган ва улар Бухорога тўрт юз йиллар бурун кўчиб келганлар<sup>31</sup>. Қолаверса, дала тадқиқотлари жараёнида айрим ахборотчиларимиз, хусусан, Деҳқонобод тумани Оқработ ва Шамоликан қишлоқларида яшовчи қўнғиротлар ўзларининг аجدодлари Бухородан кўчиб келганлигини таъкидлайдилар<sup>32</sup>.

Амударёнинг қуйи қисмида яшаган қўнғиротлар орасида йиғилган маълумотларга кўра, улар Хоразм воҳасига Сирдарё этакларидан бундан 500 йил муқаддам кўчиб келган экан. Уларнинг дастлабки яшаган жойлари Казалинск, Туркистон ва Жийдали Бойсун деб номланган<sup>33</sup>.

Минтақада қўнғиротларнинг ўтроқ аҳоли билан ўзаро этномаданий муносабатлари натижасида вужудга келган этномаданий уйғунлик турли этник гуруҳларнинг нафақат қариндош-уруғчилик, балки ягона маданий мансубликнинг самарасидир. Шу билан бир қаторда, ўтроқ аҳоли ҳамда ярим ўтроқ аҳоли ўзига хос этник дифференциацияга эга бўлса-да, бу ҳолат ассимиляция жараёнига таъсир ўтказмаган. Аксинча, этник-маданий жиҳатдан бир-бирини бойитган ва ўзаро таъсир ўтказган. Жипслашган этнослар тили ва маданияти билан қанчалик яқин, қон-қардош бўлса, бирлашиш жараёни шунчалик тез суръатда ўтади. Бу хилдаги жараёнга мисол тариқасида ўзбеклар орасидаги қўнғирот ва қипчоқ гуруҳларини кўрсатиш кифоя. Бу гуруҳлар асрлар давомида ўзбек элатининг таркибида бўлиб келишига қарамай, улар ўз этник номлари, тил лаҳжалари ҳамда моддий ва номоддий маданиятларидаги айрим хусусиятларини сақлаб қолганлар. XIX аср охири – XX аср бошларида улар умумўзбек маданиятига батамом сингиб, ўзбек миллатининг ажралмас қисмига айланган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби учинчи параграфи “*Ўзбекистон худудида қўнғиротларнинг жойлашуви хусусиятлари*”га бағишланган.

XX асрнинг бинчи ярмида қўнғиротлар, асосан, ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Қамаш, Ғузур, Деҳқонобод туманларида, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод-дарё ва Қоратоғдарё водийларида яшаганлар. Бу ерларда қўнғиротлар жуда катта гуруҳларга уюшиб, кенг худудни эгаллаганлар. Шунинг-

<sup>29</sup> Назаров Н. Афғонистон ўзбеклари. – Тошкент, 2011. – Б. 17.

<sup>30</sup> Маликов А. М. Узбеки группа кунград долине Зерафшана в XIX – начале XX в. – Самарканд, 2007. – С. 62.

<sup>31</sup> Ситняковский Н. Ф. К генеалогической таблице узбеков рода Кунград // ИТОРГО. Т. 7. 1907. – С. 32.

<sup>32</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Шамоликан ва Оқработ қишлоқлари. 2010 йил.

<sup>33</sup> Задыхина К. Л. Узбеки дельты Аму-дарьи // ТХАЭЭ. Т.1. – М., 1952. – С. 330, 343.

дек, кўнғиротларнинг баъзи гуруҳлари Каттакўрғон, Самарқанд, Жиззах, Бухоро ва Қорақўлда ҳам учрайди.

Сурхондарё воҳаси кўнғиротлари таркибидаги қорақалпоқларнинг илк аждодлари Сирдарё бўйларида яшаган. Б. Х. Кармишеванинг таъкидлашича, кўчиш вақтида қорақалпоқларнинг катта қисми Зарафшон водийсига (Жомбойга), кичик қисми Қўқонга кетган. Зарафшонга кўчган қорақалпоқлардан Олтинбош деган одам бундан 250 йил аввал уч (айрим маълумотларда олти) нафар укаси билан ўз гуруҳидан ажралиб чиқиб, дастлаб Ғузор даштидаги Пачкамар худудига кўчиб келади, сўнг XVIII аср охирида Хомкон ва Қиршақда ўрнашиб қолади<sup>34</sup>.

Қора бахши Умир ўғли ижросидаги «Алпомиш» достонининг сурхондарё талқинида, кўнғиротлар 5 та катта уруққа бўлинган: қўштамғали, оқтамғали, ойинли, хонжиғали ва тортувли. Улардан ўз навбатида 64 та майда уруғлар ташкил топган<sup>35</sup>.

Вахтамғали (оқтамғали) кўнғиротлар Шеробод воҳаси, Амударёнинг Термиз яқинидаги соҳили, Сурхондарёнинг куйи оқимлари ва Қоратоғ дарёси ҳавзаларида ҳамда Кўхитанг тизмасининг шарқий ён бағирларидаги бир қатор қишлоқларда яшаганлар. Кўхитанг ҳатакиларини *қир* ўзбеклари ёки оддийгина *қирлар* деб аташган. Қамаш тумани кўнғиротлари ўзларини «олтмиш олти ота кўнғирот» деб таърифлайдилар. Бу туманга бир вақтлар 20 хўжалик кўчиб келган бўлиб, қўштамғали уруғидан кўпайган майда бўлимлар Қамаш туманининг Кўкбулоқ қишлоғи атрофидаги худудларда яшаганлар<sup>36</sup>.

Кўнғиротлар учун ерларнинг турлича рельеф шароитига қараб жойлашувининг икки тури характерли (тоғолди текисликлари ва воҳаларда жойлашиш) бўлган. Ўтроқ ҳолда доимий жойлашув туридан ташқари, ярим кўчманчи кўнғиротларнинг кўчишга қулай ҳисобланган ўтовларидан фарқли ўлароқ уларда вақтинчалик ёзги яшаш воситалари – *кана*, *чайла*, *лочиз* ҳам мавжуд бўлган.

XIX аср охири – XX аср бошларида кўнғиротлар Сурхон воҳасидаги энг кўп сонли ўзбек уруғидан бири ҳисобланган. Улар XIX аср бошларида Шеробод, Термиз ва Боботоғ тизмаси ён бағирларигача бўлган кенг худудларда яшаганлар.

Ўрта Осиёни районлаштириш бўйича махсус комиссия 1924 йил сентябридан 1925 йилнинг февралигача фаолият олиб борган. Бу комиссия материалларида И. П. Магидович томонидан тайёрланган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг маъмурий тузилиши, иқтисодий аҳволи ва аҳоли сони, этник таркиби ҳамда турли статистик маълумотлар қайд этилган.

Маълумотларга кўра, кўнғиротлар Сурхон воҳасида – 34100 нафар кишини, жумладан, Бойсундарё ҳавзасида – 525, Шерободдарё ҳавзасида – 18385, Амударё водийсининг Термиз яқинида – 3025 ва Сурхондарё водийсида – 9375 нафар кишини ташкил этган. Шунингдек, Бухоро уезида – 3000,

<sup>34</sup> Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов... – С. 124.

<sup>35</sup> Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Биринчи китоб. Сурхондарё талқини. – Тошкент, 1999. – Б. 132–133.

<sup>36</sup> Норбўтаев П. Қашқадарё воҳасида достончилик анъаналари шаклланган худудлар аҳолисининг этник таркиби // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида этнологларнинг V республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 117–119.

Ғиждувон уездида – 10875, Кармана уездида – 1370, Ғузорда – 20615, Шахрисабзда – 325 нафар киши кўнғиротлардан эканлиги қайд қилинган. Шунга кўра, Бухоро хонлиги ҳудудида ўзбек аҳолисининг 14,5 фоизини кўнғиротлар ташкил этган. Қуйи Амударё воҳасида ҳам 17 минг нафар кўнғирот яшаган<sup>37</sup>.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Сурхондарё вилоятида янги ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан тоғ ва адирликларда яшаган аҳоли қуйи ҳудудларга кўчирилган. Ярим кўчманчи кўнғирот уруғлари аввалги ҳаёт тарзидан ўтроқ ҳаётга ўтган. Ички миграциянинг кучайиши туфайли ўрганилаётган ҳудуд Жанубий Сурхон воҳасида яшовчи уруғларнинг кўпчилиги ўзаро аралаш тарзда яшай бошлаган. Қўнғиротлар Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидан Нишон туманига XX аср 60-йилларида жойлаштирилган.

Қўнғиротлар жанубий минтақаларда яшовчи аҳолининг асосий қисмидан бирини ташкил этиши билан бирга, уларнинг генеалогияси гарчи умумий асосга бориб тақалса-да, уларнинг уруғ шохобчалари бўлган генонимларда ўзга номлар сақланиб қолган. Айнан бу ўзига хослик ҳамда турли уруғ шохобчаларининг ҳозиргача сақланиш омиллари уларнинг жамоавий турмуш тарзи, хўжалиги, кундалик ҳаёт тарзи ва аждодлар эътиқодига бўлган муносабати билан боғлиқ бўлган. Қолаверса, тадқиқ этилаётган минтақада кўнғиротларнинг ўтроқ аҳоли билан ўзаро этномаданий муносабатлари натижасида вужудга келган уйғунлик турли этник гуруҳларнинг нафақат қондош-уруғчилик, балки ягона маданий мансубликнинг самарасидир. Шу билан бирга ўтроқ аҳоли ҳамда ярим ўтроқ аҳоли ўзига хос этник дифференциацияга эга бўлса-да, бу ҳолат ассимиляция жараёнларига таъсир ўтказмаган. Аксинча, этник-маданий жиҳатдан бир-бирини бойитган ва ўзаро таъсир ўтказган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Қўнғиротларнинг хўжалик хусусияти ва этномаданий идентиклик трансформацияси”** деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи параграфи *“Анъанавий чорвачиликдаги этник хусусиятлар”* бўлиб, унда кўнғиротларга хос анъанавий чорвачилик хўжалигининг локал хусусиятлари таҳлил қилинган.

